Фаоллик- фаровонлик омили

// 14 Oktabr 2024 йил
https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/faollik-farovonlik-omili

ФАОЛЛИК – ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Кейинги йилларда янги Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча жабҳасида улкан ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Айниқса, юртимизда аёллар фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовордир. Турли вазирлик ва идоралар қаторида "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти жамоаси томонидан ҳам хотин-қизлар фаоллигини кучайтириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига кўмаклашиш мақсадида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Гендер тенглиги



Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 7 мартдаги "Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан 2022 — 2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур қабул қилинди.

Ҳужжатда бир қатор бошқарма ва муассасаларда аёллар сонини камида 30 фоизга етказиш, хотин-қизларни ўқитиш ҳамда тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун маблағ, уй-жой шароитини яхшилашга субсидиялар ажратиш сингари муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Бугунги кунда "Ўзкимёсаноат" АЖ тармоқ корхоналарида 28 минг 301 нафар мутахассис фаолият юритади, шулардан 9 минг 883 нафари, яъни 35 фоизи аёллардир.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган Фармони ижросини таъминлаш мақсадида тизим корхоналарида хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимини жорий қилиш белгиланди.

Маслаҳатчиларнинг вазифалари қаторига аёл ходималарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, аёллар ҳамда эркаклар учун тенг меҳнат шароитларини таъминлаш, шунингдек, жамоа аъзоларининг оилалари фаровонлигини қўллаб-қувватлаш каби муҳим тадбирлар киради. Оилада зўравонлик, аёллар ҳамда қизларнинг ҳуқуқларини поймол қилиш ҳолатларининг олдини олиш, мактабгача таълим муассасаларида бахтли оналик ва бола парвариши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, халқаро конвенциялар ва Ўзбекистон миллий қонунчилиги меъёрларида белгиланган хотин-қизлар ҳуқуқларига риоя этиш жараёнларини мунтазам назорат қилиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, аёлларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий фаоллиги, давлат ва жамият бошқарувидаги, оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилишдаги ролини ошириш учун шарт-шароит яратилмоқда. Ходималаримизнинг касбий ўсиши, илм-фан ва ижод, жисмоний тарбия ҳамда спорт билан шуғулланиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун имкониятлар мавжуд.

Эҳтиёжманд хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланган. Хусусан, ёлғиз оналарга ёки ногиронлиги бор болаларни тарбиялаётган аёлларга дори-дармон сотиб олиш, уй-жойни таъмирлаш учун тўлов, болалар овқатлари хариди учун моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Хотин-қизлар орасида тарбиявий ишларни фаоллаштириш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг замонавий усулларини жорий этиш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мақсадида 500 дан зиёд аёллар меҳнат қилаётган корхоналарда хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчи, бош мутахассислар, психолог лавозимларини жорий этиш йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда "Навоийазот" ва "Фарғонаазот" акциядорлик жамиятларида хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчи ҳамда психологлар, "Максам-Чирчиқ" акциядорлик жамияти, "Аммофос-Максам" акциядорлик жамияти ва Кўнғирот сода заводида хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият юритиб келишаётир.

Ўтган йилда "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти томонидан моддий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш доирасида 5 нафар ходиманинг хонадонида таъмирлаш ишлари олиб борилди. 2 минг 766 хотин-қизга дори-дармон сотиб олиш харажатлари тўлаб берилди, 3 минг 779 нафар кам таъминланган оилага озиқ-овқат пакетлари, 26 нафар ёлғиз онага олий ўқув юртларида ўқиётган фарзандларининг таълим олиши учун шартнома пуллари тўлаб берилди. 134 нафар кўп болали онага моддий ёрдам кўрсатилди.

Мамлакатимиз ва корхоналар раҳбариятининг бундай ғамхўрлигига хотин-қизлар меҳнатдаги муваффақиятлари, юксак ижтимоий фаоллиги билан жавоб беришмоқда. Жумладан, ўтган йилда "Навоийазот" акциядорлик жамияти полипропилен қоп ишлаб чиқариш цехи оператори Насиба Файзуллаева Президент Фармонига бинoан "Шуҳрат" медали билан тақдирланган бўлса, бундан бир йил аввал шу корхонанинг поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаси ходимаси Маҳлиё Шарипова "Келажак бунёдкори" медали билан тақдирланган эди.

Айтиш керакки, юртимизда акциядорлик жамиятининг хотин-қизлар фаоллигини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолияти юксак баҳоланмоқда. Айнан Ўзбекистон Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган "Аёлга саодат беринг!" шиори остидаги ижтимоий роликлар танловида "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти аёллари ҳақида тайёрланган видеоролик иккинчи ўринга муносиб деб топилди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Олий Мажлис Сенати томонидан ўтказилган "Гендер тенглик фаоли — 2022" миллий танловида аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан энг фаол корхона сифатида "Деҳқонобод калий заводи" акциядорлик жамияти жамоаси гендер тенгликни таъминлагани учун эътироф этилди. Мазкур корхонанинг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳат кенгаши раиси Мухтасар Каримова жорий йилда "Ибратли оила" кўкрак нишони билан тақдирланди. Қолаверса, ўтган йили мазкур танловда "Навоийазот" акциядорлик жамияти ғолиб бўлган бўлса, ушбу корхонанинг оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Насиба Содиқова "Мўътабар аёл" кўкрак нишони билан рағбатлантирилди.

Жорий йилда акциядорлик жамияти корхоналарида илк бор "Фаол инноватор аёл" кўрик-танлови ўтказилди. Унда кимёгар аёллар 22 та лойиҳа билан иштирок этди. Ғолиблар қимматбаҳо совғалар ва пул мукофотлари билан тақдирланди. Эътиборлиси, танловда ғолиб бўлган хотин-қизлар малака ошириб, ўз корхоналарида раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирага киритилди. Энг яхши лойиҳалар корхона маблағлари ҳисобидан амалга ошириш учун таклиф этилади. Келгусида ўрта махсус маълумотга эга иштирокчилар ғолиб бўлса, унга ихтисослаштирилган олий ўқув юртига ўқишга кириш учун тавсиянома берилади, шартнома асосида қабул қилинган иқтидор эгаларига эса харажатлар корхона томонидан тўланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 21 декабрдаги "Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида хотин-қизларни илм-фан, таълим ҳамда илмий-ижодий фаолиятга кенг жалб этиш, замонавий кадрлар тайёрлашда, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар, аёллар бандлигини таъминлашнинг янги механизмларини қўллаш борасида аниқ вазифалар белгиланган эди.

Унинг ижроси доирасида акциядорлик жамиятининг тўрт нафар ходимаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабида "Корпоратив бошқарувнинг замонавий амалиёти ва тамойиллари" бўйича қисқа муддатли курсда таҳсил олиб сертификатларга эга бўлди. Бу билан Кузатув кенгаши таркибига кириш ҳуқуқини қўлга киритди.

Маълумки, бугунги кунда аёллар бандлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шу боис "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти томонидан бу борада хайрли ташаббуслар амалга оширилаётир. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори ижроси юзасидан ипакчилик йўналиши бўйича кимё саноати корхоналари ходималарининг оила аъзолари учун қўшимча иш ўринлари яратилди. Шу билан бирга, ҳар бир корхонада юқоридаги муаммоларни ҳал қилишда ўзига хос ёндашувлар қўлланилди.

Масалан, "Навоийазот" акциядорлик жамияти томонидан ходималарнинг ишсиз оила аъзолари рўйхати шакллантирилди. Кармана туманидаги "Navoiy Silk Production" акциядорлик жамияти, Навбаҳор туманидаги "Al-Aziz Ipagi" кластери билан 100 нафар пиллакорнинг ҳамкорлиги асосида 112 нафар ипакчининг бандлигини таъминлаш мақсадида меҳнат шартномалари имзоланди. Жами 212 нафар ишсиз фуқаро мавсумий иш билан таъминланди. Натижада пиллачилар 10200 килограмм пилла топширди. Шунингдек, "Навоийазот" акциядорлик жамиятига қарашли бўш ҳудудларга 20 минг туп тут кўчати экилди.

Яна бир тизим корхонаси — "Аммофос-Максам" акциядорлик жамияти билан 125 кишини мавсумий ишга жойлаштириш бўйича шартномалар тузилди. Тошкент вилоятининг Бўка туманида "Toshkent Silk Pro" МЧЖ билан ҳамкорликда 65 нафар, Оҳангарон туманида "Jinjuz Silk Co" МЧЖ ХК билан ҳамкорликда 60 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Пиллачилар саккиз тоннадан зиёд пилла топширди, корхона ҳудудига 20 минг туп кўчат экилди.

"Максам-Чирчиқ" акциядорлик жамияти "Nurafshon Silk Co" МЧЖ билан шартнома тузиб, яна 100 нафар фуқарони вақтинча иш билан таъминлаш мақсадида ипак қурти етказиб беришни ташкил этиб, уларга 5900 килограмм пилла, майдонларга экилган саккиз минг тут кўчати топширилди. Шунингдек, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида "Максам-Чирчиқ" ва "Аммофос-Максам" акциядорлик жамиятлари ҳудудларида "Кимёгар аёллар боғи" барпо этилди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш дастури асосида "Ўзкимёсаноат" ва "Навоийазот" акциядорлик жамиятларида миллий матолар — атлас, адрас, бекасам, табиий ипак, калава, жун ва миллий матоларни қўлда ишлаб чиқариш бўйича ҳунарманд аёлларни жалб этадиган "Навоий адраси" касаначилик цехи ташкил этилиши режалаштирилмоқда. Пировард мақсад эса хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган.

Санобар АБДУРАҲМОНОВА,
«Ўзкимёсаноат» АЖ бошқарув раиси маслаҳатчиси.

«Ўзкимёсаноат» АЖда гендер тенглигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида «Халқ сўзи» газетасида мақола чоп этилди.

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • www.xs.uz • e-mail: info@xs.uz • 2024 йил 11 октябрь, № 203 (8831) Жума

СТАНДАРТЛАШТИРИШ СОҲАСИДА ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев 10 октябрь куни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ишлар ва режалар билан танишди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ва экспорт қилинаётган ошкора бўёқли катта маҳсулот белгиланган. Бунда техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш ва метрология масалаларини муҳим аҳамиятга эга. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 27 февралдаги Фармонига асосан соҳадаги давлат бошқаруви тизимида бир қатор янги вазифалар кўзланган.

Ушбу йилларда 12 минг га стандарт тасдиқланган эди. Йил бошидан буён яна 1 минг 40 та халқаро стандарт қабул қилинди. Маҳсулот хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш мақсадида 29 та техник регламент ишлаб чиқилди. Булар саноат корхоналари ва тадбиркорларга етказиб, сертификатлар олишга кўмаклашилмоқда.

Мутахассислар соҳада қилинган ишлар, йил якунигача ва келажаги ёлғиз кўрсаткичлари ҳақида тўлиқ ахборот берди.

Давлатимиз раҳбари ташқи бозорларга чиқиш учун саноатни техник тартибга солиш тизимини шартлигини таъминлаб, кўшимча вазифаларни белгилаб берди.

Бугунги кунда кортежимиздаги 269 та лабораториядан атиги бир тасида ўтказилган синовлар халқаро даражада тан олинади. Скважина тадбиркорлар маҳсулотларини экспортга олиб чиқишда қўшимча синовлар ўтказишга мажбур бўлишмоқда.

Шу боис халқаро тан олинадиган лабораторияларни кўпайтириш, электр техникаси, қурилиш материаллари, машинасозлик каби соҳаларда 10 та янги лабораторияни ташкил қилиш зарурлиги айтилди.

Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш йўлидан боряпти. Техник тартибга солиш соҳасидаги қонунчиликни ушбу ташкилот талабларига мослаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Бу йил 340 та миллий стандарт, 2025 йил якунигача яна 30 та регламент ишлаб чиқилади. 20 та техник қўшига лабораторияларни аккредитация рақамлаштириш ҳам муҳим. Бунинг учун "Техник тартибга солиш" электрон платформаси ишга туширилди.

Соҳада сифат ва самарани таъминлаш учун замонавий билим ва кўникмаларга эга, халқаро стандартлар асосида ишлайдиган мутахассислар керак. Шу боис соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича топшириқ берилди.

Ўза.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКМАНИСТОНГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 октябрь куни амалий ташриф билан Ашхобод шаҳрига келди.

Давлатимиз раҳбарини аэропортда Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси Раиснинг ўринбосари Тангритулы Аташаллиев ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Асосий ташрифлар 11 октябрь куни бўлиб ўтади.

Ўзбекистон етакчи туризм шаҳри ва мутафаккири Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигига бағишланган «Замон ва цивилизацияларнинг ўзаро боғлиқлиги — тинчлик ва тараққиёт асосини халқаро форумининг пленар мажлисида нутқ сўзлайди.

Давлатимиз раҳбари ташриф доирасида икки томонлама учрашувлар ҳам ўтказади.

9-бет.

Ўзбекистон — Туркманистон:

АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК РИШТАЛАРИГА СОДИҚЛИК ТИМСОЛИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев асарлари туркман мутафаккирлари, Шарқ мумтоз адабиётининг атоқли намояндаси, шоир ва маърифатпарвар Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигига бағишланган тантаналы тадбирларда иштирок этиш учун 10 октябрь куни Туркманистонга ташриф буюрди.

Биз ва жаҳон

Бошланган ташриф мамлакатларимиз чуқур тарихий илдизларга эга бўлган икки қўшничилик, ўзаро манфаатли эркинлик ва медиантларидаги муносабатларни мустаҳкамлаш сиёсатига содиқлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўзбекистон ва Туркманистон мамлакатларнинг дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарига содиқлик тимсоли сифатида кўпчиликка маълум. Ўзаро ишончли муносабатлар, стратегик шериклик ва стратегик ҳамкорлик даражасига кўтарилган алоқаларимиз барқарор ривожланмоқда. Ўтган йили ташқи савдо айланмаси 2 миллиард долларга етди.

Ўзбекистон ва Туркманистон ташқи савдо айланмасини 2030 йилга қадар 5 миллиард долларга етказиш мақсадида ҳамкорлик имкониятларини кенгайтириш, ишончли ва барқарор транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни кооперациялаш, қўшма корхоналар ташкил этиш, туризм соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича келишувларга эришилди.

Ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда Туркманистоннинг Марказий Осиё ҳудудини оралаб ўтадиган, жумладан, 6–7 минг км дан ортиқ масофани қамраб олган Транскаспий халқаро транспорт йўлагининг аҳамияти катта. Ушбу йўлак орқали Европа ва Осиё ўртасида юк ташишнинг энг қисқа ва энг қулай йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон ва Туркманистон ушбу йўлакнинг ривожланишига катта эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасида ҳамкорлик учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Бугунги кунда 314 та қўшма корхона, жумладан, 64 та йирик қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасида 2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган ҳамкорлик дастурлари ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов ўртасида бугун, 11 октябрь куни кенг кўламли музокаралар бўлиб ўтади. Ташриф доирасида бир қатор ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

2-бет.

САЙЛОВ — 2024

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда.

Бугунги сонда Ўзбекистон Халқ демократик партияси номидан «Ижтимоий давлатга самарали ижтимоий сиёсат орқали эришамиз!» сарлавҳали мақола эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг.

Саммит

Рақамли дунёда киберхавфсизликнинг аҳамияти:

ЕЧИМЛАР, ТАҲДИДЛАР ВА ҲАМКОРЛИК

Пойтахтимизда Киберхавфсизлик маркази ва "Digital Invest" компанияси ҳамкорлигида "Киберхавфсизлик саммити — Марказий Осиё, CIS — 2024" II халқаро киберхавфсизлик саммити ташкил этилди.

Ўтказди ортиқ давлатлардан олтмишга яқин кишилар, жумладан, Эйр-нубий Корея, Озарбайжон, Туркия, Грузия, Туркманистон, Тожикистон, Қозоғистон каби ўндан ортиқ ҳорижий мамлакатларнинг тартибга солувчи органлари ҳамда халқаро ташкилотлар — Халқаро электр-алоқа иттифоқи, "FIRST", "SAHARA" жамоалари қатнашган ушбу нуфузли саммитда Ўзбекистоннинг рақамли инфратузилмасини мустаҳкамлаш, хусусан, киберхавфсизлик бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар ва қатор ҳамда маълумот берилди.

Таъкидланишидек, кортежимизда давлат ҳокимлари рақамлаштириб, аҳолига уни онлайн хизматлар сони миқдорларини. Киберхавфсизлик, яъни хавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича ҳам тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Иккинчи кун давомида ўтган тадбирда малакали экспертлар соҳанинг ҳозирги ҳолати ҳамда унда мавжуд муаммоларнинг самарали ечими юзасида фикр юритди.

Мингдавлат киберхавфсизлигини таъминлаш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишда давлат органлари ва ташкилотлар ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, ахборот хавфсизлиги соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, ахборот хавфсизлиги соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлиги соҳасида давлат органлари ва ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш,